

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Ориент Финанс»
хусусий акциядорлик тижорат банки
(эмитентнинг номи)

Кузатув кенгаши Раиси
Бобур Ботирович Парпиев



(Жаънат Кузатув кенгаши Раисининг Ф.И.Ш. ва имзоси)

2025 йил «23» июл

М.Ў.

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»
Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

Директорнинг биринчи ўринбосари
В.Ирак



(рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатидан тахассиснинг таъйини Ф.И.Ш. ва имзоси)

2025 йил «25» август 2025 йил 25 август – сон

М.Ў.

АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

Идентификация рақами берилди:

R U 1 1 8 P O 8 5 2 R 1

Эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги 589 147 188 (беш юз саксон тўққиз миллион бир юз қирк етти минг бир юз саксон саккиз) дона номинал қиймати 1 250 сўм бўлган акциялар
(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпик обуна орқали жойлаштирилади
(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ўн саккизинчи чиқарилишдир
(чиқарилишининг тартиб рақами)

«Ориент Финанс» ХАТБ Кузатув Кенгашининг 2025 йил 23 июлдаги баённомаси
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

«Ориент Финанс» ХАТБ Кузатув Кенгашининг 2025 йил 23 июлдаги баённомаси асосида
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили –
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Осиё кўчаси, 5 ўй
Телефон: (0 371) 205-55-55, электрон почта манзили: info@ofb.uz

Эмитентнинг раҳбари:



Т.Ф.Джунайдуллаев

Бош бухгалтер:

Д.Т.Рахимов

Мухр

Сана: 2025 йил 23 июл

Қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчисининг номи – «КАПИТАЛ – ДЕПОЗИТ» Масъулияти чекланган жамияти
Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси – 2015 йил 05 январдаги 03/К15-сонли
Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.Ш. ва имзоси – Директор Фаррух Рахимджанович Ходжаев



Мухр

Сана: 2025 йил 23 июл

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури – Эгасининг номи ёзилган оддий акциялар
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли – ҳужжатсиз
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати – 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони – 589 147 188 (беш юз саксон тўққиз миллион бир юз қирқ етти минг бир юз саксон саккиз) дона.
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми — 736 433 985 000 (етти юз ўттиз олти миллиард тўрт юз ўттиз уч миллион тўққиз юз саксон беш минг) сўм.
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари – Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 26 – 27 – моддалари ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларни беради.

Банкнинг оддий акциялари эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
 - ўзига тааллуқли депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
 - Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
 - Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол – мулкнинг бир қисмини олиш;
 - Акциядорлар умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
 - Банк молия – ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
 - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
 - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
 - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
 - қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
 - Банк акциядорлари (иштирокчилари) ўртасида уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига белгиланган тартибда корпоратив шартнома тузиш;
 - Банкнинг акциядорлари ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш;
 - Банкнинг акциядорлари Банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
 - Банк акциядорлари қонунчиликда ва Банк Уставада назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар – Акцияларни олинишига нисбатан Банк Уставада ҳеч қандай чеклашлар белгиланмаган, акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга кўра ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали Банкнинг оддий акцияларига эгалик қилувчи акциядорлари орасида жойлаштирилади.
 8. Жамият устав капиталининг миқдори - 1 964 125 177 500 (бир триллион тўққиз юз олти миш тўрт миллиард бир юз йигирма беш миллион бир юз етмиш етти минг беш юз) сўм.
 9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):
 - номинал қиймати 1250 сўм бўлган 1 570 900 142 (бир миллиард беш юз етмиш миллион тўққиз юз минг бир юз қирқ икки) дона ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;
 - номинал қиймати 1250 сўм бўлган 400 000 (тўрт юз минг) дона ҳужжатсиз шаклдаги имтиёзли акциялар.
 10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади) – Банк илгари корпоратив облигацияларни муомалага чиқармаган.
 11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.
 - 11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):
(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).
- Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали Банкнинг оддий акцияларига эгалик қилувчи акциядорлари ўртасида қуйидагича жойлаштирилади:

№	Акциядорлар	Жойлаштириладиган акциялар сони (дона)
1.	«TECHEXPERTMASH» МЧЖ	65 577 686
2.	«METRAFOR» МЧЖ	21 875 053
3.	Polatov Saken Djetibayevich	336 724 796
4.	Axmedjanova Sitora Baxadirovna	164 969 653

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби. Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади)

Чиқарилаётган акциялар ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 (уч юз олтмиш беш) кун муддатда жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – Акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар ва имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдиришномаси конун ҳужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 11 (ўн биринчи) кун, бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунда бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунда бошланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 (уч юз олтмиш беш) кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик – ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар. Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

- тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;
- профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;
- ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби)

Қўшимча чиқарилаётган акциялар Банк томонидан мустақил равишда, андеррайтерларни жалб этмасдан жойлаштирилади. Қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 35-36-моддаларига асосан Банк акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини тақдим этиш билан ёпиқ обуна орқали амалга оширилади. Акцияларнинг имтиёзли ҳуқуқ бўйича жойлаштирилиши уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида акциядорлар билан тўғридан тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битими тузиш орқали амалга оширилади. Акциядорлар томонидан имтиёзли ҳуқуқ қўлланилмаган ёки имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаган тақдирда барча акциялар ёпиқ обуна орқали қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида қонунчиликда белгиланган тартибда, савдо ташкилотчисининг қондаларига мувофиқ битим тузиш орқали қуйидагича жойлаштирилади:

№	Акциядорлар	Жойлаштириладинган акциялар сони (дона)
1.	«TECHEXPERTMASH» МЧЖ	65 577 686
2.	«METRAFOR» МЧЖ	21 875 053
3.	Polatov Saken Djetibayevich	336 724 796
4.	Axmedjanova Sitora Baxadirovna	164 969 653

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Кимматли қоғозлар марказий депозитарийси:

Тўлиқ фирма номи – «Кимматли қоғозлар марказий депозитарийси» Акциядорлик жамияти;
Жойлашган манзили ва почта манзили – 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107; Телефон – (0 371) 267-37-42.

Кимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси:

Тўлиқ фирма номи – «KAPITAL – DEPOZIT» масъулияти чекланган жамияти;
Жойлашган манзили ва почта манзили – 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 25;
Телефон – (0 371) 286-20-31.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

- бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);
- жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;
- жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби)

Банкнинг акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2025 йил 23 июл ҳолатига шакллантирилган Банкнинг акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Банк акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 5 (беш) кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган акциядорларига акцияларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда олишни таклиф этади.

Билдиришнома матнида жойлаштириладиган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқни амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Банкга тақдим этилиши керак.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади. Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади)

Ушбу чиқарилишдаги акциялар, шу жумладан акцияларни олишга имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга ҳам, 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм қийматида жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда). Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топишириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;
- баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган)

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар нақд ва/ёки нақдсиз шаклда Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 5 уй манзили бўйича жойлашган «Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банкидаги (қискача - «Ориент Финанс» ХАТБ) 29830 ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширилади (МФО 01071).

Банк акциялари учун тўловлар акцияларни жойлаштириш муддати ичида амалга оширилиши керак.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қўйидагича амалга оширилади:

«Ориент Финанс» ХАТБ томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот (Қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топиш муҳим факти – 28 ёки Қимматли қоғозлар чиқарилишини ҳақиқий эмас деб топиш муҳим факти - 29) «Ориент Финанс» ХАТБ расмий вэб сайтида (<http://ofb.uz/>), «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси расмий вэб сайтида (www.uzse.uz), Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ҳамда оммавий ахборот воситаларида ошкор этилади.

Акциялар чиқарилуви амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган санадан сўнг 5 (беш) иш куни давомида акциялар учун тўланган маблағлар Банк томонидан акциядорларнинг банк ҳисоб рақамларига ўтказиб бериш орқали қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (қимматли қоғозларни чиқариш муҳим факти – 25), ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Маълумотлар – ахборот тизими манзили: <http://ofb.uz>, www.uzse.uz, <http://openinfo.uz/>.

Банкнинг қимматли қоғозларни қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли ва нусхаси билан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Осиё кўчаси, 5 уй манзили бўйича жойлашган «Ориент Финанс» ХАТБ биносида танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар:

13.1. Жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:

Давлат тилида латин алифбосида:

- Эмитентнинг тўлиқ номи – «Orient Finans» xususiy aksiyadorlik tijorat banki.
- Эмитентнинг қисқартирилган номи – «Orient Finans» ХАТБ.

Давлат тилида кирилл алифбосида:

- Эмитентнинг тўлиқ номи – «Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки
- Эмитентнинг қисқартирилган номи – «Ориент Финанс» ХАТБ

13.2. Жамият рўйхатдан ўтказилган сана ва рўйхат рақами – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида 2010 йил 19 июнда 81- рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

13.3. Тўлиқ почта манзили – Ўзбекистон Республикаси, 100052, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 5 уй.

Асосий фаолият йўналиши ва ишлаб чиқариш (хизмат) турлари – банк фаолияти.

Эмитент солиқ органининг номи ва СТИР – Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани Давлат солиқ инспекцияси, СТИР: 207 086 151.

13.4. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар:

- Корхонанинг хос рақами (ОКПО) – 23355763;
- ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури (ОКЭД) – 64190;
- МШТ бўйича мулкчилик шакли (КФС) – 145;
- Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами (СОАТО) – 1726273;
- ТХШ бўйича ташкилий – ҳуқуқий шакли (КОПФ) – 1150.

